



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY IKTISODIY KAMALAT
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 29 октябрь, № 211 (4874)

Пайшанба

ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири — тўқимачилик саноати ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда. Бу борада, айниқса, хорижий сармоядорлар учун яратиб берилган қулай инвестициявий муҳит яхши самара бераётир.


Яъни, ҳозирда юртимизнинг турли ҳудудларида хорижий ҳамкорлар иштирокида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилиб, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдириши билан бирга, экспорт ҳам қилинаётгани қувонарлидир.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги "Инвест-текс ИВ" хорижий корхонаси фаолияти сўзимизга яққол мисол бўла олади. Негаки, жорий йилнинг июль ойида 1,4 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига иш бошлаган мазкур корхонада ўтган қисқа даврда 120 тонна трикотаж матолари тайёрланиб, тўлигинча хориж давлатларига сотилди. Эътиборлиси, бу ерга ўрнатилган замонавий 16 та тўқув ва 3 та бўяш ускунаси иш умумдорлигини янада ошириш имконини яратаяпти.

Кунига 4 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада айни кунда 80 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан йил охирига қадар экспорт ҳажми 1,2 миллион АҚШ долларига етказилиши кўзда тутилган.

СУРАТДА: корхона ишчилари (чапдан) Гулмира Кўзибоева ва Нозима Насимова.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли давлат органлари томонидан ижро этилишини Ҳисор ва Зомин давлат кўриқхоналари мисолида ўрганиш ва муҳофама қилишга бағишланган мажлис ўтказди.

ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда атроф-муҳит софлигини таъминлаш, айниқса, табиат неъматларини асраб-авайлашга қаратилган мустақам ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, 2004 йил 3 декабрда қўйилган "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Қонунда типик, ноёб, кимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, усимликлар ва ҳайвонлар ирсий фондиди сақлаб қолиш, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш, табиий жараёнларни ўрганиш, атроф-муҳит мониторингини юритиш, экологик тарбияни такомиллаштириб бориш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган.

Ушбу ҳуқуқий мажмуага биноан, бугунги кунда мамлакатимизда майдони 2164 квадрат километр бўлган 9 та давлат кўриқхонаси, 6000 квадрат километрдан ортиқ ҳудудни қамраб олган иккита миллий боғ, 12185 квадрат километрлик 9 та давлат буюртма кўриқхонаси ва битта Ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш республика маркази алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимига киритилган. Умуман, бундай ҳудудлар мамлакатимиз сарҳадларининг 4,6 фоиз қисмини эгаллаган бўлиб, уларда наботот ва

ҳайвонот дунёсининг кўплаб турларини сақлаб қолиш, кўпайтириш учун қулай шароит яратилган. Бундан ташқари, табиат бойлиқларига алоҳида эътибор қаратилганини, хусусан, мавжуд кўриқхоналарнинг ўз вақтида ташкил этилиши натижасида Қизилқум архари (Северцев кўйи), хонгул (Бухоро бугуни), морхўр сингари йирик умуртқали ҳайвонлар турлари сақлаб қолинди. Бироқ "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонун ижросини Зомин ва Ҳисор давлат кўриқхоналарида ўрганган кўмита ишчи гуруҳи ахборотида келтирилишича, тегишли давлат органлари кўриқхоналар флора ва фаунасини асраб-авайлаш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш орқали экотуризмни ривожлантириш ишларига жиддий эътибор бермаётир.

Йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, "Қизил китоб"га киритилган усимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, кўриқхоналарни, уларнинг илмий бўлимлигини замонавий лаборатория жиҳозлари, техника ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш, кўриқхоналар ва миллий боғлар ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Қобил ХИДИРОВ.

Кеча Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида "Инқирозга қарши чоралар дастурининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши" мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

ТАРҒИБОТДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Таъкидландики, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган тўб иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бу жараён дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётгани, халқорой йирик молиявий ташкилотлар Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан

сир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деб қараш мумкин эмас. Глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини ҳис этмоқда. Шу боис ҳукуватимиз томонидан иқтисодий ёндашарини янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, хуқараётгани, айниқса, эътиборга сазовордир. Зеро, бугунги кунда Ер юзидаги кўплаб давлатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан қаттиқ азият чекмоқда. Йирик корпорациялар даромадларининг кескин камайиб кетгани боис, ортиқча харажатларга чек қўйишга ҳаракат қилинмоқда. Юзага келган оғир вазиятдан чиқолмаётган йирик компаниялар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишяпти.

Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимизга таъ-

сусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури бу борада муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу дастур иқтисодий ўсишининг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодийнинг мувозанатли ривожланишини

Тадбир

(Давоми 2-бетда).

Соғлом она — соғлом бола

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ АКЦИЯЛАРИ

Наманганда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, вилоят ҳокимлиги, "Кељагак нури" нодавлат нотижорат ташкилоти, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида "Соғлом қиз — соғлом она — соғлом фарзанд — соғлом кељагак" лойиҳаси доирасида ўтказилган ёшлар ижтимоий акциясининг якуний конференцияси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимизнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғулиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини оши-

(Давоми 3-бетда).

ИМОРАТЛАР УЧУН СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

юртимизда фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқарилапти

Бугун мамлакатимизда бунёд этилаётган замонавий иншоотлар, муқташам иморатлар нафақат туман ва шаҳарлар марказлари, балки қишлоғу овуллар кўригига ҳам кўрк қўшаётир. Улар юртимиз бунёдкорлари ва энг эътиборлиси, айнан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари асосида барпо этилаётгани эътирофга лойиқдир.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда қурилиш-боп материаллар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Қизилтепа туманидаги "Бўстон қурилиш сервис" корхонаси бош муҳандиси Олимжон Қаюмов. — Натижада қисқа фурсатда бу соҳага иختисослашган кўплаб

корхоналар иш бошлади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли эътиҳини қондириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун асос бўлди. Айни кунда биз ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, юртдошларимизга сифатли қурилиш материаллари ет-

казиб беришга ҳаракат қилаяптимиз.

Дарҳақиқат, жорий йилда фаолият бошлаган мазкур корхона Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Қизилтепа филиалидан олинган юз миллион сўмлик кредит эвазига бунёд этилди. Ҳозирда

Жараён

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Бир йўла тўртта ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯ

СИРДАРЁ. Янгиер шаҳридаги "Ихтирочи-№ 3672" хусусий ишлаб чиқариш корхонасида бир йўла тўртта технологик линия ишга туширилди.

Бунинг учун корхонага хориждан 300 миллион сўмлик замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси кўмағида амалга оширилган мазкур лойиҳа

натижасида бу ерда замонавий томёпқичлар тайёрлаш, мотор мойларини қадоқлаш, мраморга зёб бериш ҳамда пахта ни иккиламчи қайта ишлаш йўлга қўйилди. Мухими, мазкур дастгоҳлар ишга туширилиши билан 30 га яқин янги иш ўрни яратилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ТОШКЕНТдаги "Nafis Olam" масъулияти чекланган жамиятида 12 турдаги шиофбах гивёҳлар дамлавлари ишлаб чиқарилмоқда.

Халқаро эътироф

Эътиборли жиҳати, сўнгги ойларда бу ерда наъматакли, мойчечакли чойлардан ташқари, стерия, каркаде ўтларидан дамламалар тайёрлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилди.

Корхона маҳсулотларининг экологик жиҳатдан тозаллиги боис улар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидордир бўлиб бораёпти. "Nafis Olam" чойлари Мадридда 102 мамлакат иштирокида ўтган халқаро танловда Европа сифат белгисини қўлга киритгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

А. ИСОМИДИНОВ.

Марғилон бахмали

ФАРФОНА. Марғилон шаҳрида саккиз турдаги бахмал матоси ишлаб чиқаришга иختисослашган "Марғилон бахмали" корхонаси иш бошлади.

Бунинг учун хориждан замонавий тўқув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Утган икки ой мобайнида бу ерда 17 минг погонметр газлама ишлаб чиқарилди. Қувонарлиси, корхонанинг сифатли маҳсулотларига водий вилоятларидан ҳам талаб ортиб бормоқда.

Шуниси аҳамиятлики, янги корхона фаолият бошлаши билан 100 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ шаҳридаги "Эски шаҳар буюм бозори"да вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси билан "Уй меҳнати ва хунармандчилик маҳсулотлари" кўргазма савдоси ташкил этилди.

Уй меҳнати — даромад манбаи

Бу ерда хотин-қизлар ўзлари тайёрлаган тикувчилик ҳамда зардўзлик маҳсулотларини, жиизахлик усталар эса хунармандчилик буюмларини намойиш этиш билан бирга, харидорлардан буюртмалар ҳам қабул қилинмоқда.

Эътиборли томони, тақлиф ва талаб ҳамонан келаётган ушбу кўргазма савдоси давомида салкам 500 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ

2009 йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

9,1 фоизга кўпайди.

Ўтган даврда юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб замонавий саноат корхоналари ишга туширилган, мавжудлар модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида улар ҳар томонлама кўллаб-қувватлангани тўғрисида ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

Бир ракам шарҳи

Хукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг мақсад-муддаолари ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилоти — сиёсий партиялар муҳим ўрин тутadi. Сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий-хукуқий маданиятини ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ҳамда бошқаришдаги иштирокларини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, десак, мулолага бўлмайди. Чунки сиёсий партиялар сайловлар орқали халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлишига қўмақлашадилар, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлари, мафуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишига ҳисса қўшадилар, энг муҳими, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишида муҳим сиёсий восита бўлиб хизмат қиладилар.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДА САЙЛОВНИНГ АҲАМИЯТИ

Сиёсий партиялар демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайловлар ҳисобидан муайян ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаатини ифода этиш бўйича дастурини амалга ошириш ва ўз мақсадида етиш имконига эга бўлади. Бундай имкониятга эга бўлиш учун эса ҳар қайси партиянинг ўз электорати — уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлам бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий кучга айлана олмайд.

Сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш жараёнига катта аҳамият берилиб, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардаги ўрни ва масъулияти юксалиб бормоқда. Мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқро андозларга жавоб берадиган хукуқий асослар сиёсий партияларнинг кенг қўламада ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлади, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолиятини самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди. Хокимиятнинг кўнун қарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида ўзаро муносиблик ва мувозанатни мустақил бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Унинг асосий ижроси бевосита сиёсий партиялар эҳтисоби кўнунчиликда мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Асосий Қонуннинг 60-моддасида, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва уларнинг демократик йўли билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини таъминлашда иштирок этишлари мазмундаги норма партияларнинг давлат ҳокимияти ва жамиятда аниқ мавқега эга бўлишини таъминлади, ушбу институтнинг хукуқий асосини мустаҳкамлаб, конституциявий норма даражасига кўтарди, дейиш мумкин.

Фаолиятини хукуқий тартибга солувчи тегишли кўнунчилик тизими шаклланди ва улар жумласига 1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, 1996 йилдаги "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, 1999 йилдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, 2004 йилдаги "Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида"ги, 2007 йилдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, "Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги (2007 й. 11 апрель) Конституциявий Қонун кирди.

Бундан ташқари, Конституцияда "Сайлов тизими" деб номланган XXIII бобнинг мавжудлиги Ўзбекистонда сайлов ўтказиш асослари конституциявий-хукуқий мақомада белгиланганлигини кўрсатади. Ушбу бобнинг 117-моддасида сайловларни ўтказиш тартиблари, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид ҳуқуқлари, қайси давлат ҳокимияти органларини тузиш учун сайловлар ўтказилиши санаб ўтилган.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлов ўтказишнинг хукуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган сайлов қонунчилиги тизимига "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида"ги қонунлар тегишлидир.

Демократик сайлов ўтказишнинг асосий талаби унинг кўп партиявийлиги асосида ташкил этилганлигидир. "Кўп партиявийлик" тушунчаси том маънода сайловларда бир неча сиёсий партияларнинг, каммида эса иккита сиёсий партиянинг иштироки таъминланади. Шу тариқа, сайлов тизимининг кўп партиявийлиги фуқароларнинг танлаш ҳуқуқини кафолатлайди.

"Сиёсий партиялар фаолиятида сайловнинг аҳамияти нимада? Улар

фаолиятида сайлов қандай роль ўйнайди ва партияга нима беради?" деган саволлар ушбу масаланинг мазмунини ёритишни талаб этади.

Сиёсий партиялар доимий равишда жамиятнинг фаоли бўлиш, ундаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларга ўз муносабатини, маълум муаммоларга ўз нуқтаи назарини билдириш, ечим таклиф этиш, бунда партиянинг тутган йўлини қўрсатиш, ўз аъзолари фикрини билдиш, улар

Сайлов — 2009

манфаатини илгари суриш, ўз сафига янги тарафдорларни, партияни қўллаб-қувватловчи шахсларни бirlaштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, хукуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш каби усуллардан фойдаланади.

Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб қараганда, барча давлатларда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишга қўмақлашувчи ва миллий сиёсатни амалга оширишда ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва ушбу мақсадга эришиш йўлида гоявий дастурларни амалга ошириш, ўз мақсадида етиш имконига эга бўлади.

Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юриди, улар ўзаро бirlaштириб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани. Чунки ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унинг гоя ва дастурларини қўллаб-қувватлаётганлиги билан сайлов пайтида маълум бўлади. Хуллас, ҳамма нарса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз гояларига ишонтира олгани, кимнинг манфаатларини ифода этгани, шу билан бирга, кимнинг уларга эргашаётгани, кимлар ишонч билдирилгани факат сайлов натижаларига қараб бўлади. Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётини қандай яхшилаш, ислохотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги гояларини илгари суради.

2009 йил декабрь ойида давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайлов эса сиёсий партиялар учун азалли сайловлардан қийдаги хитлатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, бўлиб ўтадиган сайлов 2007 йил 11 апрелда қабул қилин-

ривожланиш дастурининг мазмунини ёқлаб овоз бериш ёки бермаслигини эса сайловчилар ҳал қилади.

Сайлов жараёнида сиёсий партиялар томонидан давлат ва жамият ҳаётини янада ривожлантиришга оид, халқнинг маълум қатламни қўллаб-қувватлаш юзасидан қилинадиган саяб-ҳаракатлар, илгор гоя ва қарашлар кураши орқали жамият ҳаётининг демократик принципига асосида ри-

важланиши таъминланади. Бунда, сиёсий партия электорат ўртасида юртимиздаги тарғибот ва ташвиқот ишлари унинг нечоғли халқ ичига кириб бориши ва таъсирчанлигига қара, жамиятда тутган ўрнининг салмоғини оширади. Демократик жамиятда қайси сиёсий партиянинг ўрни қандай эканлиги сайловда яққолроқ намоён бўлади. Яъни, сайловчилар овози, қўллаб-қувватлашига қара, сиёсий партия давлат ҳокимиятида маълум жиҳатдан сиёсий кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" деб номланган асарига сайлов ва сиёсий партиялар ўзаро боғлиқлигига шундай баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлайди: "Агарда ҳар қайси партия муайян ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаатини ифода этадиган бўлса, демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайловлар ҳисобидан дастурини амалга ошириш, ўз мақсадида етиш имконига эга бўлади.

Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юриди, улар ўзаро бirlaштириб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани. Чунки ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унинг гоя ва дастурларини қўллаб-қувватлаётганлиги билан сайлов пайтида маълум бўлади. Хуллас, ҳамма нарса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз гояларига ишонтира олгани, кимнинг манфаатларини ифода этгани, шу билан бирга, кимнинг уларга эргашаётгани, кимлар ишонч билдирилгани факат сайлов натижаларига қараб бўлади. Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётини қандай яхшилаш, ислохотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги гояларини илгари суради.

Биринчидан, бўлиб ўтадиган сайлов 2007 йил 11 апрелда қабул қилин-

ган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун қабул қилингандан сўнг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари бўлиб ўтадиган биринчи сайлов асосан, сайлов Конституциявий Қонунга асосан, сайлов натижасида муваффақиятга эришган сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари янада кенгайиб, уларнинг кўнунчилик ҳамда давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида янги-янги имкониятлар вужудга келди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бу борада зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган хукуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хукуқий маданиятини юксалтириш, хукуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини

нинг хукуқий маданияти тобора юксалаётгани ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокида намоён бўлмоқда.

Хусусан, адлия идоралари бу йўналишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг тарғибот тадбирларини ўтказмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, шунингдек, аҳолининг

Фармон ва ижро

ўрганиш ишини яхшилашга доир Фармонга биноан тасдиқланган Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури бу борада муҳим дастурий амал бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Юксак хукуқий маданият қонун устуворлигининг гаровидир" мавзуда бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда гап борди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг хукуқий маданиятини янада ошириш вазифаси демократик хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгилангани қайд этилди. Амалда уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланаётгани аҳоли-

хукуқий тафаккурини ошириш мақсадида адлия идоралари томонидан қўллаб тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужжатли суди, Бош прокуратураси ва бир қатор вазирликлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган илмий-амалий конференцияда хукуқ-тартибот идоралари ва солиқ тизими ходимларининг хукуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, бу борада оилавий тарбия, фуқаролик жамияти, мактаб таълимнинг иштирокини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

ФАЙЗЛИ КУНЛАР ТАРОВАТИ

Юртимизда айни пишкичлик: олма, нок, шафтоли, анжир, узум, қовуну тарвуз дастурхонимизга кўрк бериб турибди. Сабзи, картошка ва либё ҳосили йиғиштириб олинаётди. Вилоятдаги тайёрлов корхоналари ушбу маҳсулотларни қабул қилиб, кеч куз, кич ва эрта баҳор учун ҳўл, куруқ ва қадокланган мева-сабзавот захирасини яратмоқдалар.

Анджирнинг деҳқонлар жорий йилда 20 минг 268 гектар майдонда сабзавот, 1 минг 761 гектар ерда полиз ва 6 минг 373 гектарда картошка етиштирилди. Улар шу кунгача жами 66 минг 689 тонна мева-сабзавот йиғиштириб олиб, маҳсулотнинг бир қисминини қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришди.

Айтиш лозимки, ҳозир вилоятда 11 та қайта ишлаш корхонаси мавжуд бўлиб, улар

Бу ерда жами 4 минг 960 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш режалаштирилган бўлиб, шу пайтгача 3 минг 700 тоннаси тайёрланди. Шунга қарамай, ишлаш хали кўп. Шу сабабли жамоа аъзолари хароратли кунлардан унумли фойдаланиш мақсадида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Яна бир гап. Яқингача вилоятда ўрик ва нокни қайта ишлаш корхона қорхона йўқ эди. "Балиқчи олтин тақа қўшув" кор-

Интилиш

хонаси ишга тушириш ушбу муаммо ҳал бўлди. Хорijdан келтирилган замонавий технология данақли мева-ларини ҳам, сабзавотларини ҳам қайта ишлаб, беҳжирим идишларга қадоклаш имконини берапти. Ен-атрофдаги аҳоли ҳам эҳтиёждан ортиқча мева-сабзавотларини шу ерга етказиб беришмоқда. Бу, биринчидан, ҳосилининг ерга тўқилиб, уюл бўлишидан сақлаётган бўлса, иккинчидан, муаммага даромад келтиришмоқда. Ҳозир бу ерда олма ва помидор қабул қилинаётди. Шу кунгача қорхона ҳажмаси 1 минг 600 тонна ноз-неъматни қадоклаб, қишқи мавсумга ҳозирлаб қўйишнинг лозимияти билан айтиш мумкин.

Умуман олганда, айни кунларда вилоятдаги мева-сабзавот қайта ишлаш корхоналарида иш қизган. Улар ҳава сови-масидан бурун зиммасидаги вазифани ундашгани ниёт қилишган. Зеро, қайта тайёрловчиларнинг эзгу мақсади вил-оят аҳолисини қиш мавсумида ҳам, худди куздагидек, саво-хатли замин неъматлари билан таъминлашдан иборатдир.

Мархаматлик фермер ва то-морқачилар, айниқса, "Мансур" фермер ҳўжалиги жамоасидан миннатдор. Улар мавсум жараёнида, шартномага мувофиқ, ушбу қайта ишлаш ва қадоклаш корхонасига 500 тонна сифатли сабзавот етказиб беришди. Маҳсулот тарозидан ўтиши билан пул кўлга тагапти. Шу пайтга қадар ушбу маҳсулотдан 50 мингта шартли идишда томат қайласи ҳамда тузаламалар тайёрланиб, қишқи мавсумга қамлаб қўйилди.

Андижон шаҳридаги "МСКИЧ" корхонаси ҳақида ҳам илқ гапларни айтиш мумкин.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАРҒИБОТДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

таъминлаш, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодийни диверсификациялаш, биринчи навбатда, халқро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи

қаратилган ташкилий ишларни ёритишдан иборат.

Иккинчи йўналишдаги материаллар Президентимизнинг 4058-сонли Фармонида белгиланган ташкилий амалий вазифаларини, "Иқтисодийнинг реал сектори корхоналари-

ТАРҒИБОТДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан яхшилаш, қишлоқларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта қўриб чиқиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби кўплаб мақсадларни рўёбга чиқаришни кўзда тутadi.

Табийки, давлатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида олиб бораётган ана шу тўғри ва аниқ сиёсатини, зарур бўлса, дунёнинг кўплаб давлатларига намуна сифатида кўрсатиш, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни жамоатчиликка кенг тушунтириш, уларда кечаётган жараёнлар ҳақида ҳақоний фикрни шакллантириш оммавий ахборот воситалари зиммасидадир.

Бу масалга икки йўналишда ёндашилса, тушунарлироқ бўлади. Аввало, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси ёки "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари" асариде белгиланган қонда ва тавсиялар, умуман, мавжуд муаммоларни тушунтириш, инкирозга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга

ни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт соҳасини ошириш чоратадбирлари дастури"да, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг қарорлари билан тасдиқланган дастурларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-амалий ишларнинг ёритилиши ҳақидаги чиқишлардир.

Шу билан бирга, Инкирозга қарши чоралар дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирлар хусусидаги материаллар, аниқ далилларга асосланган ютуқ ва камчиликлари содда тарзда, халқимизга тушунарли тилда ёритувчи чиқишлар нисбатан камчиликлари ташкил этмоқда. Бундан ташқари, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 2009 йилнинг тўққиз ойи давомида эришилган ютуқлар, истемвол бозорига ўтган йилдаги нисбатан 20 фоизга арзонлашган нархларда маҳсулотлар чиқаришдан қорхона ва ташкилотлар, уларнинг келгувчи режалари ҳақидаги ахборотлар ҳам талаб даражасида эмас.

Очик мулоқот тарзида ўтган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берилди.

И. ЎТБОСАРОВ.

ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорларга яратилаётган кенг имконият ва уларга берилаётган иштирок натижасида янги корхоналар ташкил этилиб, уларда халқро андозларга мос, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамми йилдан-йилга ортмоқда.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Shox produkt" масъулияти чекланган жамияти — аҳоли дастурхонини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ўз хиссасини қўшаётган ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилаётган қолбаса, пишлок, гўшт ва қандолат маҳсулотлари амалда. Айниқса, қорхонанинг илгор технологиялар ёрдамида дулланган, ярим дулланган, қанайтиб пиширилган маҳсулотлари мижозларга манзур бўлаётди.

Тайёр маҳсулотлар эса қорхонанинг савдо дўкони ва бошқа шохобчаларда сотилмоқда. Айни пайтда тўй ва байрам оқшомлари учун турли ҳажм ва кўринишдаги ширинликлар тайёрланаётганлиги ҳам эътиборга молиқдир. Бу эса қорхонанинг даромади ошиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини таъминламоқда.

СУРАТДА: ишчи Мавлуда Тўраева. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ИМОРАТЛАР УЧУН СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

юртимизда фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқарилапти

олияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Канаданинг "Юни Контекс минтед" компанияси ҳамда "Навоий-улгуржи савдо" МЧК ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхонада Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар асосида бинолар пардозини ушбу ишлатилмаган сифатли қурилиш материаллари ҳамда гипс-сакартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу маҳсулотларнинг, айниқса, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида харидорлари кўпайиб бормоқда.

Юртимизнинг жорий йил 19 июндаги "Деворбит материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бизга жуда қўллаб имконият ва имтиёзлар яратиб берди, — дейди қорхона раҳбари Исмомидин Сафаров. — Шу асосда фаолиятимизни кенгайтиришга муваффақ бўлаётимиз. Хусусан, келажакда ўзимизда гипс ишлаб чиқариш

нелари самарали фаолият юритиб келаяпти. Шунингдек, яқинда Нурота туманида табиий тошларни қайта ишлайдиган утча цех ишга туширилди. Шу билан бирга, утча том ёпиш материаллари ва утча ҳил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариши

корхоналари фаолият бошлаганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Бу янги корхоналарни бунёд этиш учун 300 минг АҚШ доллари ва 3939,3 миллион сўм маблаг сарф этилди. Хайрли ташаббуслар хайрли ишлар сари йўл очди, одамлар турмушини янада яхшилашга, юртимизнинг бундан-да оқиб бўлишига хизмат қилади. Бу эса тараққиётнинг таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Шундай экан, яқинда иш бошлаган корхоналар мисолида ҳам, энг аввало, бугунимиз фаровон, истиқболимиз эса нурафшон бўлишига ишончимиз ортиши, шубҳасиз.

Ҳамдам ШОҚНОЗОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида
Жангарилар ҳужум уюштиришди

Афғонистоннинг Кобул шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасига жангарилар томонидан ҳужум уюштирилди.



Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, босқин чоғида 13 киши ҳаётдан кўз юмган, ўнга яқин одам турли даражада тан жароҳати олган. Ҳужумни "Толибон" жангарилар гуруҳи амалга оширган. Изоҳлашишча, улар шу йўл билан президентлик сайловининг кейинги босқинчи ўтказиш учун қўриқлаган тайёргарликка ҳалақат беришга уринишган.

Талаб кескин камайди

Юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи "КамаЗ" корхонаси жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 4,9 миллиард рубль миқдорига зарар курган.

"РИА Новости" ахбороти-га кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга таъсирида корхона маҳсулотлари-га бўлган талаб кескин камайиб кетган. Шу тўғрисида ҳозирда фақат буюртмачи-лар талаби асосида юк машиналари тайёрланмоқда.

Нефть нархи ҳақида

Жаҳон бозорига нефть нархи яна ошди, дейилади "CNN" телеканалли хабарига.

Хусусан, Нью-Йорк хом ашё биржасида унинг бир баррели 0,87 АҚШ доллари қимматлашган ва 79,55 АҚШ долларидан солинган. Бу йил бошидан буён ушбу маҳсулот нархи-да қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир.



Арктикада пальмалар ўсган

Бундан эллик миллион йил муқаддам Арктика худудларида муз бўлмаган экан.

Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Уша даврда минтақада пальма, игнабаргли ҳамда ёнғоқ дарахтлари ўсган. Голландия ва германиялик олимлар томонидан бу ерда олиб борилган тадқиқотлар давомида ана шу дарахтларнинг қолдиқлари топилган. Шу орқали Арктика музликларида ҳам бир вақтлар ҳаёт бўлган, деган тахминлар пайдо бўлди.

Хасталикка қарши кураш кучайтирилди

Москвадаги шифохоналардан бирида А/Н1Н1 гриппига чалинган 53 ёшли аёл вафот этди.



Бу Россия Федерацияси худудидида ушбу хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмган тўртинчи кишидир.

Бозордаги хунрезлик

Покистоннинг Пешавор шаҳрида содир этилган қўпурчилик ҳаракати оқибатида қурбон бўлганлар сони ортиб бормоқда.

Жангарилар шаҳардаги одам гавҳим бўлган бозорда портловчи қурилмани ҳаракатга келтиришган, дейилади "The News" хабарига. Натияжада қарийб 90 киши ҳалок бўлган, 200 дан ортқ одам тан жароҳати олган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, республикамиз банклари салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани эътиборга молик. Албатта, бу Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури-нинг самарасидир.

«Микрокредитбанк»: Ишончли МЕХАНИЗМЛАР ШАКЛЛАНМОҚДА

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда соғлом иқтисодий рақобат муҳитида фаолият юритаётган банкларнинг миқдорлари молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда хизматлар кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари хусусида илиқ гапларни айтиш мумкин. Бунда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шунингдек, фермерлик ҳаракати ҳамда касаначиликни ривожлантиришга ихтисослашган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки фаолияти диққатга сазовордир. Гап шундаки, мазкур банкнинг биргина Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес субъектларига 4616,7 миллион сўм миқдорига микрокредит ажратилиб, микрокредитнинг хизматлари кўрсатилди. Ажратилган маблағларнинг 519,6 миллион сўми бошланғич сармояни шакллантиришга, 3 283,7 миң сўми айланма маблағни тўлдиришга йўналтирилган бўлса, кўрсатилган микрокредитнинг қолган қисми 1813,4 миң сўми шакл элди. Бу — белгиланган режа 143,1 фоизга бажарилди, дегани. Энг муҳими, пировардига Қорақалпоғистонда тўрт ярим миңга янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, филиал жамоаси ўз маблағларидан хотин-қизлар-ни баҳраманд этиш орқали фақат уларнинг қўлидан келадиغان, миллий аъёналаримизга хос меҳнат турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида ўтган вақт ичида тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга 745 миллион сўм ўрнига 815,6 миллион сўм миқдорига имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақса-дида филиал томонидан 208 та ёш оилга 727 миллион сўм миқдорига имтиёзли кредит, касб-хунар коллежларини битирган 120 нафар ёш тадбиркорга ўз фаолиятлари-ни бошлаш учун 391 миллион сўм миқдорига микрокредитлар берил-ганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Молия муассасаларида

Самарали фаолият натижасида вилоятдаги қўллаб-қўллаш муқим иш жойига эга бўлиш баробарида, меъбел ва бошқа ўй жиҳозларини харид қилишга эришаётир. Хозирги кунда юртимизнинг қайси бир худудига борманг, замонавий жиҳозланган савдо ва умумий овқатланиш, автомобил-ларни таъмирлаш, сайёҳлик, меҳмонхона объектларида рисолада-гидек хизмат кўрсатилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу борадаги ишлар, айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда янги босқич-га кўтарилди. Филиал жамоаси

ушбу йўналишларда янги ташкил этилган 48 та корхонани техник ва технологик жиҳозлаш учун 611,2 миллион сўм миқдорига имтиёзли кредит ажратди. Айни чоғда Президентимизнинг 2006 йил 23 март-даги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорва мол-ларни кўпайтиришни рағбатланти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига асосан, филиал томо-

лиш тармоқларига йўналтирилга-ни ойдинлашди. Филиалда, шунингдек, янги банк хизмати турларини жорий этиш ор-қали қўшимча нақд пул тушумини ошириш йўлида ҳам муайян иш-лар амалга оширилмоқда. Уяли алоқа компанияларининг экспрес-с тўлов картчаларини сотиш ҳамда «Paynet» электрон тизими ёрдами-да коммунал тўловларни қабул қилиш хизматлари шулар жумла-сидандир. Айни кунларда филиал-нинг амалиёт бўлими, Тўрткўл ҳамда Мангит филиалларида бит-тадан «Paynet» алоқа тармоғи мун-тазам ишлаб турибди. Ўтган вақт давомида улар орқали 12592,8 миллион сўм миқдорига нақд пул туширилган бўлса, ҳар бир фили-алда ташкил этилган махсус кас-саларга эса 81,3 миллион сўм маб-лағ жалб этилди.

Яна бир гап. Филиал томонидан нақд пул тушуми ҳажмини ошириш мақсадида 9 та кичик бизнес субъектига савдо дўконларини таъ-мирлаш, янгидан қуриш учун 162 миллион сўм миқдорига кредит бер-рилган эди. Шундай тадбиркорлик субъектларидан бири Мангит туман-нидаги «Гулмандав» хусусий корхо-насидир. Бу жамоа банкнинг 50 миллион сўм миқдорига кредити эвазига янги супермаркет биноси-ни қуриб битказди. Эндилда ушбу савдо маркази туман аҳлига наму-нали хизмат кўрсатмоқда.

Умуман, банк томонидан аж-ратилган маблағларни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлса, унинг 1466,6 миллион сўми саноат, 2210,9 миллион сўми қишлоқ хўжа-лиги, 1473 миллион сўми маиший хизмат, 727,3 миллион сўми савдо, 883,9 миллион сўми эса қури-

Хулоса қилиб айтганда, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқ фаро-вонлигини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилиб, янги-янги ютуқ-ларни қўлга киритмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ АКЦИЯЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

риш чора-тадбирлари Дастури тўғриси-даги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. — Шу йил октябрь ойида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фон-ди лойиҳаси асосида ташкил этилган семинар-тренингларда тўрт миңга яқин хотин-қиз иштирок этди, — дейди Наманган вилояти «Келажак нури» нодав-лат нотижорат ташкилотининг раҳбари Дилшодбек Отабоев. — Ушбу тадбир-лар орқали 30 миңдан зиёд аҳолига мазкур акциянинг мақсад ва моҳияти етказилди.

Яқиний конференцияда таъкидлани-шича, семинарлар доирасида Респуб-лика Саломатлик ва тиббий статистика институти ва Республика иқтисодлаш-тирилган ақшорлик ва гинекология ил-мий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали, вилоят Она ва бола скрининг маркази ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари мутахассислари томони-дан жойларда аёлларнинг шомоллаш кас-саллиқлари, жинсий йўл билан юкучи инфекциялар, хавфсиз оналикни таъ-минлаш ва ногирон болалар туғилиши-нинг олдини олиш, оналик ва болалик-ни химоялаш юзасидан назарий билим-лик беришди, репродуктив саломатлик профилактикаси бўйича амалий тренин-глар ташкил қилинди.

Конференцияда, шунингдек, аҳоли-нинг репродуктив саломатлигини мус-таҳкамлаш дастурининг ижроси, мазкур лойиҳа асосида ташкил қилинган ижти-моий акцияларнинг яқиний натижалари, хотин-қизлар касаллиқлари ва уларнинг профилактикаси, никоҳолди тиббий қўриқнинг аҳамияти, хавфсиз оналик ва болалик омиллари, ёш оилаларда тиб-бий ва шахсий гигиена маданиятини шакллантириш масалалари бўйича маъ-рузалар тингланди.

А. САТТОРОВ, ЎЗА мухбири.

Иزلаниш

«Ёр-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ҳамда тизимдаги корхоналар хом ашё базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маҳсулот тури кўпаймоқда

Ана шу мақсадда уюшма жорий йил фермер хўжалиқлари билан ҳамкорликда 49,1 миң гектар лалми майдонга экилган масҳардан 22 миң тонна, 15,1 миң гек-тар сувли майдондаги қўнғабоддан 5,4 миң тонна ҳосил бўлган қўнғабод эришди. Эндилда ушбу маҳсулотлар қайта иш-ланиб, импорт ўрнини босувчи 3 миң 800 тонна қўнғабод ва 4 миң тоннадан зиёд масҳар ёғлари ишлаб чиқарилади. Шунин-гдек, тармоқ корхоналарида масҳар билан пахта ёғи бойитилиб, «Барака» ёрлиги остида ёғ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Ф. КАЛОНОВ.

Электр таъминоти: ҚАРЗДОР КИМ, АЙБДОР-ЧИ?

Бироқ уни ҳосил қилиш жараёни ва бунинг учун дав-лат газнасидан қанчадан-қанча маблағ сарф этилиши-ни ҳар доим ҳам ҳаёлимиз-дан ўтказаямизми? Шунга муносив иш қилаёلمизми? Афсуски, йўқ.

Бундай дейишимизнинг боиси бор, албатта. Негаки, айни кунда мамлакатимиз-нинг аксарият худудларида аҳолининг коммунал хизмат-лар, жумладан, электр энер-гияси тўловларидан йирик миқдорда қарздорлиги юза-га келган. Биргина Фарғона вилоятдаги ҳолатта ҳолис-лик билан назар ташлайлик. Айни кунда вилоятда турли шақлдаги истеъмолчиларга 8 миллион 556 киловатт соат электр энергияси узаптилади. Бу 554,5 миллион сўмлик электр хизматлари, дегандир. Ҳўш, юртдошларимизнинг мушуқлини осон қилишга хизмат қилаётган ушбу қув-ватнинг ҳақи ўз вақтида ва

тўлиқ тўланаётими? Таас-суфки, бу тарзда қўйилган саволлар олдида вилоятда-ги жисмоний ва юридик шахс мақомига эга истеъмолчиларнинг аксарияти мум тўлаб қолиши, тайин. Худудда электр энергия-сидан ноқонуний фойдалан-ган истеъмол-чилар аниқла-ниб, уларга тегишли чора-лар қўйилди. Биргина жорий йилнинг ўзида ана шундай қўнғабодларга нисбатан 1090 та далолатнома тузил-гани фикримиз тасдиғидир. Маълум бўлишича, шу мун-дат ичида ноқонуний йўлар билан фойдаланган электр энергияси ҳақи 151,5 миллион сўмдан ортиб кетган.

Албатта, ҳозирда бундай ҳолатлар келиб чиқилишини олдини олиш ва уни барта-раф этиш юзасидан тегиш-ли чора-тадбирлар белгила-ниб, уларнинг ижросини таъ-

минлашга ҳаракат қилинмоқ-да. Жумладан, жорий йилда вилоят ҳокимлиги ҳузурида-ги коммунал тўловларни ун-дириш департаменти томо-нидан 625 та ташкилотга та-лабнома хатлари жўнатил-

ган. Айниқса, агросаноат комплекси тармоғидаги қарздорликлар салмоғи анча юқори эканлиги жиҳидий таш-виш уйғотаяпти. Боз устига, ҳозир вилоятдаги 2229 та фермер хўжалигининг гарда-нида 13 миллиард сўмдан зиёд қарз ту-рибди. 170 та муқобил маши-на-трактор парки, 173 та сувдан фой-даланувчилар уюшмаси ҳам 1 миллиард 342 миллион сўмлик электр қувватини сарфлаб, боқибегам юргани кишини ажаблантиради. Худ-ди шундай ҳолатни «Сувоқо-ва» акциядорлик жамияти, вилоят энергия маркази, иссиқлик ишлаб чиқариш корхоналари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Вилоят миқёсидаги корхо-на ва ташкилотлардаги аҳвол ачинарли экан, ҳўш, шаҳар ва туманларда бу борадаги ҳолат қандай, деган ўринли

Назорат

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, республикамиз банклари салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани эътиборга молик. Албатта, бу Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури-нинг самарасидир.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК ФИЛЬТРАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Маҳсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилочор маҳалласи, ЦДХВК, 6-ўй. Мўлжал — Шўхрат дўкони жойлашган қорраха.

Alliance Insurance

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ALLIANCE INSURANCE» СУГУРТА ТАШКИЛОТИ

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги 210-сонли «Иш берувчининг фуқаролик жавоб-гарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, ўз жавобгарлигинингизни ташкилотимизда сугурталашни таклиф этади.

Сугурта бўйича мутахассис таклиф этилган жойга чиқши таъминланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 35-ўй. Тел.: 120-71-00, 710-30-00, 414-41-77. www.a-insurance.uz e-mail: alliance@a-insurance.uz

Лицензия СФ № 00121

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги жамоаси вазирлик масъул ходими Фафур Отахоновга отаси

Жумабой ОТАХОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультетининг Педагогика ва тиллар кафедраси доценти Разно Исмоилова онаси

ТАНЗИЛА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

INTEGRAL ASIA 3 Ишончли таъминловчи технологиялар йиллик тўлиқ нафолат. Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс: 120-30-26.

Тадбиркорнинг ташаббуси Чирочки туманидаги «Шарбат» кичик корхонаси раҳбари Шоймардон Хўжақулов республика Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ёрдамида хориждан мойли экинлар донини қайта ишлаш, пахта ти-тиш, маъдани сув қадоклаш технологияларини олиб келиб, янги йўналишдаги ишлаб чиқаришни ташкил этди. Шунингдек, яқинда бу ерда тегири-мон ишга туширилиб, ун тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ишлаб чиқаришни кенгайти-риш ҳисобига корхонада қўшимча 15 та янги иш ўрни яратилди. Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ПП «ЧИРЧИК-ШАНХАЙ ПЛАСТ» ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ. ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ. Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет. Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 847-49-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2006@yandex.ru



Олтин куз ўз сепини ёйган шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимиз таровати ўзгача. Ариқларда тиник торган сув, ранг-баранг гуллар, боғ-роғлардаги тўкинлик, ён-атрофдаги ажиб бир сокинлик кўнгиллари сурур ва шукроналик олиб келади. Она-юртнинг ҳар бир гўшаси юрак-юракларимизга туташ эканини ҳис этасиз. Ватан деган муқаддас туйғунинг нақадар азиз ва суюқлигини амин бўласиз.

БУХОРОНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

— Европа давлатлари бўйлаб ижодий сафарда бўлганимда Ватан, она-замин деган туйғунларнинг нақадар муътабар ва қадри эканини янада чуқур ҳис этдим, — дейди қатор халқаро кўрсаткичлар иштирокчиси, бухоролик фотосанъат устаси Шавкат Болтаев. — Она-юрт соғинчини сўз билан ифодалаш мушкул. Қадимий шаҳримиз кўчалари бўйлаб юрганимда, ўзимни эртақлар оламида ҳис этаман. Айниқса, Мус-тақиллик йилларида шаҳримиз қиёфаси буткул ўзгариб кетди.

Сурур

Чиндан ҳам, бугун Бухоронинг кўрки-таровати бўлакча. Шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб юрсангиз, баҳридингиз очилади. Замонавий бинолар, раван йўллар, гулу гулзорлар кўна бу манзилни яшартириб юборди.

— Афросиёб, Абдуҳолик Гиждувонд, Баҳовуддин Нақшбанд, Ўзбекистон Мустақиллиги каби кўчаларни ободонлаштириш мақсадида бир миллион юз минг туп гул кўчати ўтказдик, — дейди шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Х. Мансуров. — Бундан ташқари, кейинги саккиз ой ичида 4568 туп жожевийлик, 54430 туп атиргул, 600 туп япон сефораси, кўлаб чинор, каштан, тут ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари ҳам ўтказганимиз. Шунингдек, шаҳар ҳудудида бўлган 45 километр узунликдаги сув йўллари то-

Саломатлик — бебаҳо бойлик. Шу боис юртимизда Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ соғлиқни сақлаш тизимида туб иншоотлар амалга оширилмоқда. Иختисослашган тиббий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш, шифо масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш доимий эътиборда.

ЗАМОНАВИЙ ДАВО УСУЛЛАРИ

мамлакатимиз тиббиётида кенг қўлланилмоқда

Энг муҳими, жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарбиётини кучайтириш яхши йўлга қўйилган. Ушбу сай-ҳаракатлар жисмонан бақувват, маънан баркамол авлодни камол топтириш, миллат саломатлигини асрашдек эзгу мақсадга ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир.

нинг илмий марказда ҳам амалга оширилди. Аммо бу билан хотиржамликка берилиш ҳам ярамайди. Негаки, мураккаб жарроҳлик амалиёти орқали беморни батамом хасталиқдан халос қилишга ёки унинг умрини узай-

Саломатлик



мюрларнинг кейинги ҳаёти билан боғлиқ жиҳатлардир. Масалан, беморнинг бирор аъзоси олиб ташланганча, табиийки, унинг вазифаси ҳам тугайди. Дейлик, беморнинг ош-

қозони ўсма касаллиги туфайли тўлиқ олиб ташланди. Биз беморни сақлаб қолдик, лекин унинг кейинги ҳаёти қандай кечадиган? Ошқозониз овқат истеъмол қилиш, йўғон ичаксиз ичак сақланмасини нотабиий жойдан чиқариб қўйиш, сийдик қопи-

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОЛИМПИДАСИ

БОШ СОВРИНИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

Ломоносов номидаги Москва давлат университети (МДУ)нинг Халқаро таълим марказида МДХ ва Болтиқбўйи давлатларининг рус мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рус тили бўйича VII Халқаро олимпиада ғолибларини қўтлаш маросими бўлиб ўтди.

қўра, Москвага келган Ўзбекистон жамоаси жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентдаги Россия фан ва маданият марказида ўтган саралаш босқичи натижаларига қўра шакллантирилган. Таъкидлаш жоизки, МДУда ўтказилган шу каби халқаро олимпиадаларда Ўзбекистон жамоаси биринчи бор бунча миқдордаги совринларни қўлга киритди. Жамоа аъзоси Анна Ильина эса шахсий кўрсаткичи бўйича танловнинг мутлақ ғолиби, деб топилди.

«Жаҳон» АА. Москва

Фахр

Ўзбекистонлик бир гуруҳ пазандалар Россиянинг Москва ва Озарбойжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган халқаро танловларнинг совриндорлари бўлишди.

ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ САРМОЯДОРЛАР ҲАМДА МУЛҚДОР БЎЛИШ ИСТАГИДАГИ БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!
Сиз азизларни, «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ жамоаси номидан
2009 йил 12-13 ноябрь кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача ўтказиладиган савдоларимиздаги **МОЛ-МУЛҚЛАР ЯРМАРКАСИГА** лутфан таклиф қиламиз!

ПАЗАНДАЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Дастлаб улар Москвада бўлиб ўтган Кремль пазандалари халқаро кубогида иштирок этишди. Танлов шартларини моҳирона бажарган Ўзбекистон пазандалар ассоциацияси раиси А. Самадов соҳа билмидони эканлигини намойён этган ҳолда, олтин ва кумуш медалларга эғалик қилди.

ОБ-ҲАВО (29 октябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Хаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3 даража соғуқ билан 2 даража илқ атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Харорат тунда 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.
Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Хаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.
Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Хаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.
Тошкент шаҳри. Хаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 0-2 даража илқ, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА
ҳар йили ўтказиладиган «Иновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси»да иштирок этиш учун ишланмалар рўйхатини шакллантиришга киришди.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиарлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўйлонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тупон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.20 Тошпирилли — 21.20

Манзилимиз:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеов.